



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • http://xs.uz • E-mail: Info@xs.uz • 2013 йил 12 февраль, № 29 (5703) Сешанба

Навоий даҳосига эҳтиром

Истиклол туфайли мамлакатимизда улуг бобокалонимиз Мир Алишер Навоий шахсияти, асарларига бўлган эҳтиром тубдан юксалди. Президентимиз ташаббуси билан мустақиллигимизнинг дастлабки йили “Навоий йили” деб аталиши, пойтахтимизда буюк аждодимизга бағишлаб қад ростлаган муҳташам боғ ана шу чуқур эҳтиром ва эътиборнинг ёрқин ифодасидир, албатта.

Фахр



Бугун биз Алишер Навоий орзу қилган, тараннум этган осуда ҳаёт, фаровон турмуш, юксак тараққиётдан баҳрамандимиз. Ёшларимиз ул зотнинг асарларидаги қаҳрамонлар каби эзгулик сари бел боғлаб, юрт равнақида хисса қўшишга чоғланмоқдалар. Буни шу кунларда мамлакатимизда буюк мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудига бағишлан-

ган маърифий тадбирлар, адабий кечалар, илмий анжуманлар, мушоиралар мисолида ҳам қўриш мумкин. Аҳнанага мувофиқ, 9 февраль кунини Алишер Навоий номи билан аталувчи Ўзбекистон Миллий боғида шоир таваллудининг 572 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).

Сертификатлар топширилди

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академиясида ўқув-йиғинда қатнашган профилактика инспекторларига сертификатлар топшириш маросими бўлиб ўтди.

Тадбир

Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов таъкидлаганидек, Президентимиз раҳнамолигида тизимда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самараси ўлароқ, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, аҳоли тинчлиги ҳамда осойишталиги таъминланмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида милиция таянч пунктлари ташкил қилиниши бу борада муҳим омил бўлди.

(Давоми 2-бетда).

Инвестициявий жозибадорлик

мамлакатимиз иқтисодиётини модернизация қилиш ва янгилаш бўйича олиб борилаётган эзгу ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда

Президентимизнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида Ўзбекистонда сўнгги беш йил мобайнида инвестицияларнинг йиллик ўсиш суръати 9 фоиздан зиёд ташкил этаётгани ва бу дунёдаги юқори, барқарор кўрсаткичлардан бири ҳисобланиши алоҳида таъкидлаб ўтилди. Албатта, бундай муваффақиятлар юртимизда олиб борилаётган фаол инвестициявий сиёсатнинг ёрқин самарасидир.

Хусусан, Сурхондарё вилоятида ҳам кейинги йилларда мазкур йўналишда кўплаб инвестициявий лойиҳалар рўйбога чиқарилмоқда. Бунда маҳаллий ва хорижий тадбиркорлар учун қулай ишбилармон-

лик муҳити яратилгани алоҳида аҳамият касб этаётди. Натижада иқтисодиётнинг етакчи соҳалари ривожланиб, бозорларимиз тўқинлиги ҳамда аҳоли бандлиги таъминланаяпти.

Жараён

Термиз шаҳридаги иқтисодий ноҳор ҳолга келиб қолган “Сурхон-Аджанта” корхонаси ҳам ана шундай ислохотлар самарасида қайта оёққа турди. Шаҳардаги “Shindong spinning Termez” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси томонидан қиритилган 8 миллион 756 минг АҚШ долларлик инвестиция эвазига бу ерда кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Ишлаб чиқариш цехлари Япония, Корея Республикаси, Швеция ва Италиянинг илғор технологиялари билан жиҳозланди. Қў-

ўтмай, жамоа аъзолари сони 225 нафарга етиб, улар томонидан ўтган йили 1238 тонна калава ип ишлаб чиқаришга эришилди. Шундан 1060 тоннаси чет эллик буюртмачиларга етказиб берилди. Бу 1 миллиард 200 миллион сўм даромад деганидир.

— Мен ўзбекистонлик ёшларга ҳавас қиламан, — дейди корхонанинг техник директори Чой Сингинг Юл. — Чунки юртингизда уларнинг замон талаблари асосида пухта билим олиши ва эркин меҳнат қилиши учун барча имконият яратилган. Мамлакатингиз Президентини Ислам Каримовнинг алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги самараси ўзбек йигит-қизларининг ўткир зеҳни ва юксак салоҳиятида яққол намоён бўлмоқда. Буни корхонамизда фаолият юритаётган ёш мутахассислар мисолида ҳам айта олам. Айни пайтда улар етакчи хорижий компанияларда ишлаб чиқарилган илғор дастгоҳ ва ускуналарни моҳирлик билан бошқаришмоқда. Айниқса, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг тиришқоқлиги, изланувчанлигини кўриб хайратим ошадди.

(Давоми 2-бетда).

Ислохотлар самараси

Бугун юртимизда ёш авлоднинг комил инсон бўлиб вояга етиши учун барча шарт-шароит мавжуд. Ана шу имкониятлардан фойдаланиб, ўз истеъдод ва салоҳиятини намоён этишга интилаётган ўғил-қизларимиз Президентимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ўзининг юксак натижаларини бераётди. Айниқса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, аҳнавий тарзда ўтказиб келинаётган уч босқичли тизим — “Умид ноҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари ёш иқтидор соҳибларини кашф қилишда беқиёс аҳамият касб этмоқда.

Анджон вилояти:

Истеъдодли ва салоҳиятли авлод

соғлом ва баркамол вояга етишида замонавий спорт иншоотлари муҳим ўрин тутмоқда

Ислохотлар муваффақиятини, жумладан, Анджон вилояти мисолида ҳам қўриш мумкин. Йилдан-йилга гўзаллашиб, барчанинг ҳавасини келтираётган бу обод гўшада йирик ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий инфраструктура объектлари, турар-жой бинолари қаторида бири-бирдан ажойиб спорт мажмуалари, стадионлар, сузиш ҳавзалари ва майдончалари сони ҳам кўпайиб бораётгани кишини қувонтиради. Замон талабларига мос тарзда бунёд этилаётган ана шу спорт-соғломлаштириш масканларида бокс, қиличбозлик, сузиш, теннис, бадий гимнастика каби оммавий спорт турлари билан минглаб

ёшлар шуғулланаётгани амалга оширилган эзгу ишларнинг ёрқин ифодасидир. Фикримизни аниқ рақамлар орқали ифода этсак. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилганидан буён ўтган давр мобайнида вилоятда 136 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу мақсадлар учун 45 миллиард сўмдан зиёд маблағ сарфланди. Уларни зарур инвентарлар билан таъминлашга эса 2 миллиард 200 миллион сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Масалан, биргина ўтган йилнинг ўзида Балиқчи, Анджон ва Бўз туманларининг чекка қишлоқ ва маҳаллаларида 14 та

спорт зали барпо этилгани, учта сузиш ҳавзаси таъмирдан чиқарилгани, иккита стадион капитал реконструкция қилинган давлатимизнинг спорт соҳасидаги сиёсати ҳар бир ҳудудни қамраб олганини кўрсатиб турибди. Бинобарин, қаердаки, эътибор бўлса, ўша ерда муваффақиятлар кўзга ташланади. Анджонда, авваломбор, спорт машғулотлари малакали мураббийлар жалб этилаётгани, спорт секцияларида машғулотлар бугунги талаблар асосида олиб борилаётгани ютуқлар гарови бўлаяпти. Хусусан, оғир атлетикачи Манзура Мамасолева, сузиш устаси Шохсанам Тошпўлатова, стол

теннисчиси Қутбилло Тешабоев, бадий гимнастикачилар Мавлуда Ҳасанова ва Нкина Потанчук сингари ёшлар ҳақида ана шундай фикр билдириш мумкин. — Ўзбекистонда Президент Ислам Каримов бошчилигида спортга жуда катта эътибор қаратилаётгани ҳақида кўп эшитгандим, — дейди яқинда Анджон вилоятида иш бошлаган сув спорти бўйича мутахассис, италиялик Франчи Марио. — Шу туфайли ҳам ушбу заминга бўлган қизиқишим ортиб, менда бу ерга келиб фаолият юритиш истаги пайдо бўлди.

(Давоми 4-бетда).



Рақамли телевидение тобора ривожланмоқда

Ўтган йили мамлакатимиз бўйича аҳолини рақамли телевидение билан қамраб олиш даражаси

42

фоизга етказилди.

Телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва модернизация қилиш чора-тадбирлари доирасида инвестициявий лойиҳалар ўз муддатларида амалга оширилгани, айниқса, Фарғона, Навоий, Сирдарё ва Сурхондарё вилоятларида телеузатиш мосламаларини ўрнатиш орқали босқичма-босқич рақамли телевидениега ўтилгани унинг қўламини янада кенгайтириш имконини берди.

БИР РАҚАМ ШАРХИ

(Давоми 2-бетда).

Фурур

Бухоро вилояти мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида Абдурахим исмли йигит билан танишиб қолдик. Қадди-қомати тик, алпкелбатли, юз-кўзидан ўзига ишончи кучли экани шундоққина сезилиб турарди.

«Йигитлик бурчимни аъло даражада ўтайман»

— Жондор туманиданман. Муддатли ҳарбий хизматга жўнаб кетаяпмиз, — деди у сал нарида саф тортиб турган тенгқурларига ишора қилиб. — Бир оз хаяжонданман. Чунки армияга боришни чин дилдан истагандим. Бунини шу ниятимга етдим. Ўтган йили туманимиздаги санат касб-хунар коллежини тугатдим. Дзюдо билан шуғулланаман. Жаҳон чемпиони, Олимпиада ўйинлари совриндори Ришод Собировга ҳавас қилиб, шу спорт турига меҳр қўйганман. Қаҳирав комиссияси томонидан ташкил этилган синовлардан муваффақиятли ўтишимда спорт билан шуғулланганим ҳамда касб-хунар коллежида олган билимларим қўл келди. Бил-

дирилган ишончи оқлаб, албатта, йигитлик бурчимни аъло даражада ўтайман. Ҳаял ўтмай йиғин пункти одамлар билан гавжумлашди. Муддатли ҳарбий хизматга қаҳиравчилар, уларнинг ота-оналари, ёр-биродарлари тўпланишди. Улар орасида Абдурахимнинг отаси Мурод ака Аҳмедов ҳам бор. — Ўғлим оиламизда кенжа фарзанд, — дейди у. — Армияга бораман, деганида шу қадар хурсанд бўлдимки, асти қўяверасиз. Шундай қатъиятли, интилувчан ўғлим борлигидан гуруранддим. Етказганига шукур. Биз ота-оналар уларга ҳамиша омад, муваффақият тилаймиз.

(Давоми 2-бетда).

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатаётган “ЕвроАзия ТАПОдиск” қўшма корхонаси бундан икки йил аввал иқтисодий ноҳор аҳволга келиб қолганди.

Икки йилда икки баробар ўсиш

Икки йилда икки баробар ўсиш

Шундан сўнг уни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқилиб, бу ерда кенг қўламли модернизация ишлари амалга оширилди. Айниқса, қолип-лаш ва андоза олиш дастгоҳлари тўлиқ янгиланди. Пировардида корхонанинг ишлаб чиқариш жараёни тикланиб, 10 турдан ортиқ автомобиль дисклари тайёрлаш йўлга қўйилди. Айни пайтда “ЕвроАзия ТАПОдиск” маҳсулотлари нафақат асакалик автомобилсозларга, балки Россиянинг “АвтоВаз” корхонаси жамоасига ҳам маъқул келмоқда. 2011 йилда корхонада 8,5 миллиард сўмлик диск ишлаб чиқарилган бўлса, яқунланган йилда мазкур кўрсаткич 15 миллиард сўмликка етгани эътиборлидир. Энг муҳими, жамоа миллий автомобилсозлик тизимида ўзининг мустаҳкам ўрнини топмоқда.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кўрғазмадан ишга йўлланма

Наманган шаҳар Бандликка қўмақлашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан бундан иш ўринлари ярмаркаси ташкил этилди.

Унда 112 та корхона, ташкилот ва муассаса талабгорларга 1169 та бўш иш ўрнини тақдир қилди. Шаҳардаги 62 та маҳалла фуқаролар йиғинидан келган 334 нафар фуқаронинг аксарияти мутахассисликлар, меҳнат шароитлари, маош ва бошқа маълумотлар билан яқиндан танишиб, ўзига мос иш ўрнини танлаб олди. Ярмаркада 156 киши, жумладан, 110 нафар йигит-қиз иш берувчилар билан шартнома имзолади.

Қ. НАЖМИДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Сув тозаловчи қурилма

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш кўплаб касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун олиб олишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун олиб олишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун олиб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Натижада бу ерда сув тозалаш филтёрлари ҳамда гипохлорид натрий ишлаб чиқариш ускуналари тайёрлаш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳа Урганч давлат университетини олимлари билан ҳамкорликда амалга оширилди. Эътиборлиси, буюртма асосида ишлаб чиқарилаётган махсус қурилмалар жойларда ўрнатиб ҳам берилаяпти. Корхона жамоаси жорий йил якунига қадар бир миллиондан сўмлик маҳсулот тайёрлашни мақсад қилган. Таъкидлаш ўринлики, бугунги кунда вилоятда ишлаб чиқарилаётган санат маҳсулотлари тури 150 дан ортиди.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Навоий даҳосига эҳтиром

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, турли вазирлик ва идоралар, ижодий уюшмалар мутахассислари, маънавият тарғиботчилари, ўқитувчилар, маҳалла фаоллари, талаба-ёшлар иштирок этган анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов, филология фанлари доктори, адабиётшунос олим Шўҳрат Сирожиiddинов, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими, шоир Эшқобил Шукур ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида буюк аждодларимизнинг умрбоқий илмий-маърифий меросини ўрганиш борасида олиб борилаётган эзгу сайёҳаракатларни алоҳида эътироф этдилар.

Маълумки, "Хамса" нафақат XV аср маданий ҳаётининг, балки бутун бир миллатнинг маънавий қомуси ҳамдир. Унинг таркибига кирган "Ҳайрат ул-аброр" достонини мутула қилар эканмиз, яхшиларнинг ҳайрати ўзига хос бир мақом ("аброр") даражасига кўтарилганини, "Сабаъи сайёр" достонининг ҳайрати эса етти иқлимдан келган етти мусофирнинг етти кечада айтган ҳикоялари ҳодисотида эмас, балки бу еттиликлар шаклида баён этилган қиссага камалақдаги етти ранг, мумтоз фалсафа-

даги етти мақом, музыкадаги етти оҳанг жам бўлгани учун ҳам бетакорор симфония каби янғрайди. "Сади Искандарий" да етук бир жамият, обод Ватан орсуси баён қилинган. Ҳозирги глобаллашув даврида Алишер Навоийнинг инсоний баркамоллиқ, одоб-ахлоқ, бегубор ва покиза туйғулур улуг'анган асарлари ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этмоқда. Шу боис улуг' шоирнинг ижод намуналари ҳақон халқларининг

кўлаб тилларига таржима қилиниб, олимлар, кенг жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда.
Тадбирда Алишер Навоий даҳосига бағишланган шеърлар ўқилди.
Иштирокчилар Алишер Навоий ҳайкали пойғи гуллар кўйди.
Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х. Султонов, Тошкент шаҳар ҳокими Р. Усмонов иштирок этди.

Шу куни пойтахтимиздаги Шоирлар хйбониди Алишер Навоий таваллудига бағишланган мушоирга ҳам бўлиб ўтди.
Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам буюк шоир даҳосига муносиб эҳтиром кўрсатилди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ, Хасан ПАЙДОЕВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Қисқа сатрларда

● Бухорода "Оилавий тадбиркорлик — жамият ривожининг гаровидир" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси ташаббуси билан ташкил этилган мақкур тадбирда хотин-қизларни иш билан таъминлашда касаначиликнинг ўрни, ушбу фаолият турига доир имтиёз ва имкониётлар ҳақида сўз юритилди.

● Урганч шаҳрида ўртасида гиёҳвандликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар келажакимиз ворисларини бундай заррли иллатлар таъсиридан асраш, улар ўртасида маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш, ҳушёрлик ва сезгирликни ошириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

● Бўз туманининг Ўзбекистон мавзесидан "Ферузбек Қодиров" фермер хўжалиги раҳбари Баҳоқир Қодиров ташаббуси билан чорвачилик фермаси ташкил этилди. Бу мақсад учун 110 миллион сўм йўналтирилди. Ҳозир бу ерда "Швиц" зотли қорамоллар парвариланмоқда.

● Бўка туманидаги 32-умумтаълим мактаби ўқувчилари жисмоний тарбия машғулотлари аниқ пайтда замонавий шартларга эга янги спорт залида олиб бормоқдалар. Бундай имкониёт Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси кўмаги билан юзага келди. Мактабда жамғарма ажратган 323,2 миллион сўмлик маблағ ҳисобига ёпиқ спорт зали қурилиб, фойдаланишга топширилди. Иншоотнинг спортсевар ўқувчиларга манзур бўлишида "Агро бунёдкор" масъулиятли чекланган жамияти бунёдкорларининг ҳиссаси катта.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Айни чоғда ушбу масканлар тажрибали ва етук кадрлар билан таъминланиб, профилактика инспекторлари малакасини ошириш тизими жорий қилинди. Шунга мос равишда юртимиздаги мавжуд 3,5 мингдан зиёд милиция таянч пунктларининг аксариятида турли тўғарақлар, спорт майдончалари, кичик бизнес шохобчалари йўлга қўйилдики, бу жойларда ҳуқуқбузарлик ҳамда жиноятчилик сезиларли даражада камайишига замин яратди.

Бундай ютуқларнинг қўлга киритилишида Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 16 майдаги қарори дастуриламал бўлаётганини ҳам айтиш зарур. Зеро, шу ҳужжатга асосан, милиция таянч пунктлари янги техник во-

ситаляр билан таъминланди, профилактика инспекторлари ва жамоат бирлашмалари ҳамкорлиги механизми ишлаб чиқилди. Бунинг натижаси-

Сертификатлар топширилди

да милиция таянч пунктлари нафақат жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, аҳоли ҳуқуқий маданиятини оширишда, балки ёшларнинг буш вақтини мазмунли ўтказиш борасида ҳам ўзини яққол намойён этмоқда.

— Ўқув-йиғини жараёнида фаолиятимизда қўл келадиган назарий ва амалий билимларни эгалладик, — дейди Бухоро

шаҳар ИИБ милиция таянч пункти профилактика инспектори, катта лейтенант Илҳом Ҳаққулов. — Жумладан, касбий, жанговар, жисмоний тайёр-

хорати билан ажралиб турган инспекторлар вазирлик томонидан тақдирланди.

— Ўқув жараёнида сиёсий билимларимизни янада мустаҳкамладик, — дейди Юнусовбуд тумани ИИБ милиция таянч пункти профилактика инспектори, капитан Рустам Мақсудов. — Хусусан, Президентимизнинг асарлари, Мамлакатимизда демократик ёшларнинг ривожлантириш концепцияси мазмун-моҳияти ва аҳамияти билан чуқур танишдик. Эндilikда булардан фаолиятимизда самарали фойдаланишимизга ишончим комил.

Яқунда профилактика инспекторларига сертификатлар топширилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Илғор ва тежамкор технологиялар

Қишлоқ хўжалиги мамлакатимиз иқтисодийётининг муҳим соҳаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода айтиш мумкинки, аграр тармоқнинг ривожини салоҳиятини янада юксалтиришга хизмат қилади. Кейинги йилларда қишлоқ мулкдорларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар туфайли эса уларнинг фаолияти тобора кенгайиб бораётир.

Ҳамкорлик

Албатта, қишлоқ хўжалигини агротехника тадбирларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Қачонки, экинга ўз вақтида сифатли ишлов берилса, мўл ҳосил олиш мумкин. Бу жараён эса, табиийки, замонавий ва тежамкор техникаларга боғлиқ.

— Шу боис биз деҳқонларимизнинг бу борадаги эҳтиёжини қондиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз, — дейди "Ўзқишлоқ-хўжалик масъулиятли акциядорлик лизинг компаниясининг Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Роман Жумабаев. — Жумладан, ўтган йили фермерларимизга 58 тонна "ТТЗ" трактори, 18 та турли русумдаги комбайн, 112 та ҳар хил ускуналар, 22 та мотонарва ва бошқа замонавий техника-

ларни лизинг асосида етказиб бердик.

— Мана, беш йилдирки, ушбу компания билан ҳамкорлик қилиб келаямиз, — дейди Тўртқўл туманидаги "Тўртқўллик Сўғдиёна" фермер хўжалиги раҳбари Сарвар Мамутов. — Шу давр мобайнида лизинг асосида бешта замонавий техника харид қилган бўлсак, уларнинг кўмагида нафақат шартномада белгиланган режаларни орғиги билан урғуландимиз, балки молиявий аҳолимиз ҳам тобора яхшиланаяпти. Мисол учун, ўтган йили давлатга 542 тонна пахта ҳам ашёли ва 60 тонна дон сотиб, 70 миллион сўм соф фойдага эга бўлдик.

Бугун Оролбўйида лизинг компанияси билан ҳамкорлик қилиб, яхши

қўрсаткичларга эришаётган фермерлар бисёр. Хўжайли туманидаги "Собир ота" фермер хўжалиги раҳбари Айтимбет Сабировнинг айтишича, лизинг компаниясидан олинган техникалар ёрдамида нафақат тасарруфидоги ерга ўз вақтида ишлов берилаяпти, балки ён-атрофдаги фермерларнинг ҳам оғири енгил қилинаётир. Бу эса хўжалик аъзоларини моддий жиҳатдан рағбатлантиришда қўл келмоқда.

Аслида, филиал жамоасининг мақсади шу: замонавий хизмат кўрсатиш орқали қишлоқ мулкдорларини қўллаб-қувватлаш ва мамлакатимиз аграр сектори равнақига муносиб ҳисса қўшишдир.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

қишлоқ мулкдорларининг самарали фаолият юритишида алоҳида аҳамият касб этади

■ Парламент ҳаёти

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари кўмитаси ҳамда Марказий банк томонидан банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва самарадорлигини ошириш бўйича қабул қилинган қонунлар, Президентимизнинг Фармон ва қарорлари мазмун-моҳияти ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари бағишланган ўқув-семинарлар ташкил этилмоқда.

Фаровонлик омили

Нукусда ўтказилган семинарда жойларда яратилган кенг эркинлик берилган муҳити юртдошларимизда ўз бизнесини йўлга қўйишга бўлган қизиқини ошираётгани таъкидлаб ўтилди. Хусусан, ўтган йили Қорақалпоғистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитлар ҳақида 2011 йилдаги нисбатан 1,3 баробарга ортиб, 208,5 миллиард сўми ташкил этган. Бу эса микрокредитлар ҳақида 52,4 миллиард сўмга кўпайганини ва 2011 йилдаги нисбатан 1,5 баробарга ўсганлигини кўрсатади. Шу асосда 15 мингдан зиёд иш ўринлари яратилди.

— Паррандачиликка ихтисослаштирилган "Худой-Ихтиёр" фермер хўжалигини банк кредити асосида ташкил этганмиз, — дейди хўжайилик тадбиркор Мухаммадали Жумаурастов. — Ўтган йилдан Тахитов шахридаги қаришар санаторийи ва бошқа бир нечта ижтимоий муассасаларга сифатли тухум етказиб бера бошладик. Яқин келажакда банк кредити ҳисобига чорвачиликни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Ўтказилган ўқув-семинарда шу ҳақда, умуман, ишимиз самарадорлигини ошириш учун барча зарур кўрсатмаларга эга бўлдик.

— Бугун ишлайман, астойдил меҳнат қиламан, деган киши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинмоқда, — дейди Нукус шахрилик тадбиркор Роза Ҳуснов. — Яқинда банкдан 200 миллион сўмлик кредит олиб, Нукусдаги 7 мингга яқин аҳоли истиқомат қилаётган Қизилтепа шаҳарчасида "Шўҳрат" маиший хизмат кўрсатиш комплексини ишга тушириб, 40 нафардан зиёд кишини ишга қабул қилдик.

Семинар қатнашчиларига Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунига бағишланган ўтказилган мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар ва Обод турмуш йилида банк тизимида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, аҳоли даромадларини ошириш, оилалар фаровонлигини таъминлаш борасида амалга оширилади режалаштирилган чора-тадбирлар тўғрисида батафсил маълумот берилди.

Ҳоразм вилоятида бўлиб ўтган семинарда давлатимиз раҳбарининг "Статистик, солиқ, молиявий хисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рўхсат бериш тартиби-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Ишбилармонлик

муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик берилган чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришдаги аҳамияти хусусида сўз борди.

Ўз навбатида, сенаторлар, Марказий банк ва унинг ҳудудлардаги бошқармалари вакиллари банк тизимини ислоҳ қилиш, эркинлигини ошириш ҳамда унинг дунё ҳамжамиятида ўз ўрнини эгаллашга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганига алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, бугунги кунда халқаро стандартлар асосида самарали банк назорати амалга оширилиб, ликвидлик ва активлар сифати устидан доимий мониторинг олиб боришмоқда. Мамлакатимизда фаолият юритаётган 28 банк халқаро банк-молия фаолияти тахлили билан шугулланадиган нуфузли компаниялар томонидан юқори баҳо ва рейтингга муносиб деб топилгани ана шу сайёҳаракатлар самарасидир.

— Самимий мулоқот тарзида кечган семинар банк тизими ходимлари ва банклар мижозлари учун жуда ҳам аҳамиятли бўлди, — дейди Марказий банк Хоразм вилояти бош бошқармасининг Кичик бизнес қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Рашид Жуманов. — Айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятимизда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати тобора юксалмоқда. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 212,3 миллиард сўм миқдорда ёки олдинги йилдагига нисбатан 1,4 баравар кўп кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда уларга ажратилган кредитлар ҳақими яна 1,3 баробар ошириш қўзда тутилмоқда. Бу, шубҳасиз, вилоятда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва қўллаб-янги иш ўринлари ташкил этиш имконини беради.

Андижон вилоятида ўтказилган ўқув-семинарнинг фикр алмашувлар, тақлиф ва мулоҳазаларга бой бўлди. Унда банк ва бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш тармоғи сифатини ошириш, бу борадаги соғлом рақобатни кучайтириш, тегишли қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, тадбиркорларни молиявий қўллаб-қувватлашни кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар хусусида

атрофлича маълумот берилди. Айниқса, кейинги йилларда ўз бизнесини йўлга қўймоқчи бўлган фуқароларга тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилаётгани ва бу аҳоли фаровонлигини янада оширишда, шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришда муҳим омили бўлаётгани қайд этилди.

Мисол учун, 2012 йилда вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг ҳақида 344,3 миллиард, шундан микрокредитларнинг ҳақида 112,3 миллиард сўми ташкил қилди.

Эътироф этиш керакки, Марказий банкнинг Андижон вилояти бошқармасида ёшларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасида катта тажриба тўпланган. Мисол учун, улар ташаббуси билан ўтган йили касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ўртасида "Энг малакали мутахассис" баҳо ва рейтингга муносиб деб топилгани ана шу сайёҳаракатлар самарасидир. — Самимий мулоқот тарзида кечган семинар банк тизими ходимлари ва банклар мижозлари учун жуда ҳам аҳамиятли бўлди, — дейди Марказий банк Хоразм вилояти бош бошқармасининг Кичик бизнес қўллаб-қувватлашни мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Рашид Жуманов. — Айтиш жоизки, бугунги кунда вилоятимизда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, мижозларга хизмат кўрсатиш сифати тобора юксалмоқда. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан 212,3 миллиард сўм миқдорда ёки олдинги йилдагига нисбатан 1,4 баравар кўп кредитлар ажратилган бўлса, жорий йилда уларга ажратилган кредитлар ҳақими яна 1,3 баробар ошириш қўзда тутилмоқда. Бу, шубҳасиз, вилоятда аҳоли даромадларини кўпайтириш ва қўллаб-янги иш ўринлари ташкил этиш имконини беради.

Ушбу сайёҳаракатлар ўзининг ижтимоий самараларини кўрсатмоқда. 2012 йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига ажратилган кредитларнинг ҳақида 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баравар ортиб, 4,7 миллиард сўми ташкил этди. Коллежлар қосида очилган тикув цехларига 1 миллион 276 миллион сўмлик имтиёзлик кредитлар ажратилиб, 752 та тикув ускунаси сотиб олинди. Натижасида бу коллежлар тикув цехларига 1 миллион 276 миллион сўмлик имтиёзлик кредитлар ажратилиб, 752 та тикув ускунаси сотиб олинди. Натижасида бу коллежлар битирувчиларининг 973 нафари иш билан таъминланди.

Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш борасида ҳам аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2012 йилда тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга ажратилган кредитлар миқдори 2011 йилдагига нисбатан 1,7 баравар ортиб, 47 миллиард сўмга бўлди. Жойларда етти ўтаётган ўқув-семинарларда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олишмоқда.

Вилоят мухбирлари материаллари асосида тайёрланди.

Инвестициявий жозибадорлик

мамлакатимиз иқтисодийётини модернизация қилиш ва янгилаш бўйича олиб борилаётган эзгу ишларнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ҳозир Янгиариқ қишлоқ хўжалиги ҳамда Термиз маиший хизмат кўрсатиш ва ахборот технологиялари коллежлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатганимиз. Ўтган йили ана шу ўқув муассасаларини тугатган йигит-қизлардан 38 нафарини ишга қабул қилдик. Қолаверса, юртингизда хорижий сармоядорлар учун жозибадор инвестиция муҳити яратилган. Тўқимачилик саноати-

да талаб юқори бўлган олий навли пахта ҳам ашёси ҳам заманингизда етиштирилди. Бу эса, табиийки, муваффақиятларимиз омили бўлиб хизмат қилмоқда.

Албатта, инвестиция иқтисодий юксалиш сари йўл очади. Шундан келиб чиқиб, Президентимизнинг 2010 йил 15 декабрдаги "2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарорига асосан,

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 12 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиши, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади: *)

1 Австралия доллари	2070,58	1 Россия рубли	66,65
1 Англия фунт стерлинги	3176,13	1 Украина гривнаси	251,48
1 Дания кронаси	360,32	1 Малайзия рингити	647,04
1 БАА дирхами	547,27	1 Поляна злотийси	647,89
1 АКШ доллари	2010,08	1 СДР	3081,49
1 Миер фунти	299,38	1 Туркия лираси	1136,02
1 Исландия кронаси	15,66	1 Швейцария франки	2189,15
1 Канада доллари	2001,87	1 евро	2719,99
1 Ҳитой юани	322,53	10 Жаңубий Корея вони	18,35
		10 Япония йенаси	217,31

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мақкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

белгиланган хизмат муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервида бўлган бўлишга тўғрисида"ги қарори ижросини тўлақонли таъминлашмизда қўл келмоқда.

Бу орада бўлгуси аскарлар саф тортилади. Йигитларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатишга бағишланган тантанали маросим бошланди. Унда "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси вилоят бўлими вакиллари, ота-оналар сўз олиб, ёшларни Ватан ҳимоячиси, деган шарафли номга муносиб бўлмиша даъват этишди, уларга оқ йўл тилашди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Йигитлик бурчимни аъло даражада ўтайман»

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

— Биз ҳам фарзандимиз Шо-йимжонни Куролли Кучлар сафига қузатгани келдик, — дейди қонгонлик Нигина Ҳусенова. — Ўғлимиз аксарият тенгдошларига ўхшаб спорт билан мунтазам шугулланади. Билим савиясини ошириш учун кўплаб китоблар ўқийди. Ундан кўнглимиз тўқ. Мени янада хурсанд қилгани шуки, давлатимиз ёшларнинг бугунги, эртасини ўйлаб жуда катта ишларни амалга оширмоқда.

Мана бу йиғин пунктини олиб кўринг. Биринчи бор келишим эмасми, кўриб хайратда қолдим, кўнглим ёришиб кетди. Бино яқинда қурилди, фойдаланишга топширилган экан. Жудаям чиройли бўпти, шароитларини айтмайсанми.

Дарҳақиқат, вилоят йиғин пунктининг янги биноси замонавий меъморчиликнинг барча талабларига жавоб беради. Унинг моддий-техник базаси ҳам мустаҳкам. Жумладан, маскан компьютерлар, зарур алоқа воситалари, тиббий

асбоб-ускуналар, мебеллар билан жиҳозланган.

— Нафақат вилоят, балки туманлардаги чақирув пунктларида ҳам катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди, — дейди вилоят мудоффа ишлари бошқармаси масъул ходими, подполковник Алишер Игамбердиев. — Натижасида инфратузилма яхшиланди. Бу эса Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирuvi ҳамда

ЖАҲОН

24 соат ичида

Экспорт ҳажми ошмоқда

Жорий йил январь ойида Хитойнинг экспорт кўрсаткичлари 25,4 фоизга ортиб, 29,15 миллиард АҚШ долларига етди. Бу ҳақда мамлакат бош божхона бошқармаси хабар тарқатди.

Хусусан, 2013 йилнинг дастлабки ойида мазкур давлатнинг умумий ташқи товар айланмаси 345,59 миллиард долларни ташкил этган. Утган йилнинг шу давридаги ҳолат билан солиштирилганда, бу 26,7 фоизга кўпдир.



Тахлилларига кўра, жорий йилда мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси 8,5 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Хитой Фанлар академияси мутахассислари

Харажатларни камайтирмоқчи

Металлургия соҳасида жаҳондаги йirik концернлардан бири "ThyssenKrupp" Европадаги бўлини масида мавжуд иш ўринлари сонини икки мингтагача қисқартирмоқчи.



Маълумки, "кўхна қитъа"да ҳали-ҳануз кузатилаётган молиявий-иқтисодий инқироз туфайли металлургия саноати маҳсулотларига талаб пасайиб бормоқда. Хом ашё нархи эса,

аксинча, муттасил ошаяпти. Бундай шароитда ишлаб чиқарувчилар учун харажатларни қисқартариш ягона мақбул чора бўлиб қолаётди.

"ThyssenKrupp" ҳам яқин икки йил ичида йиллик сарф-харажатларни 500 миллион еврога камайтириш режасини ишлаб чиққан.

Мол гўшти ўрнига...

Буюк Британия Европа Иттифоқи давлатларидан импорт қилинадиган барча турдаги гўшт маҳсулотларини тўхтатиши мумкин.

Мамлакат парламентида бундай талаб билан озик-овқат масалалари комиссияси раҳбари Анн Макинтош чиқиш қилган. Унинг маърузасида айтилишича, Буюк Британияга кириб келаётган мол гўшти маҳсулотлари аслида от гўшти бўлиб чиқаётгани аниқланган.



Олдинроқ Франция, Ирландия ва Кипрда ҳам айнан шундай ҳолат бўйича муаммо кўтарилган эди. Айни пайтда гўшт маҳсулотлари етказиб берган корхоналар раҳбарлари сўроқ қилинмоқда.

Колумбияда зилзила

Колумбия жанубида 7 баллик зилзила содир бўлди.



Ҳозирча қурбонлар ҳақида маълумотлар йўқ. Саккиз кишининг жароҳатлангани, бир юз элликка яқин бинога зарар етгани айтилмоқда.

"Франс Пресс" ахборот агентлиги хабарига кўра, ер силкинishi таъсири пойтахт Боготадан Эквадорнинг Кито шаҳригача бўлган ҳудудларда ҳам сезилган.

Ўзини ўнглаб олди

Финляндиянинг "Finnair" авиакомпанияси сўнгги тўрт йилда биринчи марта йилни даромад билан якунлади.

2012 йилда мазкур компания 8,77 миллион нафар йўловчига хизмат кўрсатган. Бу аввалги йилдагига қараганда 9,5 фоизга кўпдир. Натижада даромад ҳажми 8,5 фоизга ортиб, 2,45 миллиард еврони ташкил қилган.



"Finnair"нинг жорий йилдаги фаолияти ҳам чакки эмас. Хусусан, компания январь ойида 683 минг нафар йўловчининг узоғини яқин қилиб, бу борада ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 7,2 фоиз юқори кўрсаткичга эришди.

Қуюшқондан чиққан сайёҳ

Янги Зеландия тоғларини айланиб юрган сайёҳ қутқарув вертолётини ёрдамга чақирди.



Қутқарувчилар айтилган манзилга етиб боришганда, сайёҳ соғ-саломат эканлиги, ҳеч қандай қўмакка муҳтож эмаслиги маълум бўлди. У фавқулодда хизмат ходимларига сайр қилиб, кеч қолиб кетганини, энди уни вертолётда ўз манзилга олиб бориб қўйишларини илтимос қилган. Ҳадидан ошган сайёҳни ўша жойда қолдириб кетишган.

Айни пайтда маҳаллий ҳукумат ана шундай ўзбошимча туристларга молиявий жарима солиш масаласини кўриб чиқмоқда.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Хазина

Балиқ маҳсулотлари таркибида инсон саломатлиги учун зарур бўлган моддалар ниҳоятда кўп. Халқимиз уни "луқмаи ҳалол", "парҳез таом" дея эътироф этишининг боиси ҳам шунда. Тиббиёт мутахассисларининг таъкидлашича, ҳар бир киши йилига ўртача 13,2 килограмм балиқ истеъмол қилиши зарур. Бу — инсон организми учун меъёрий кўрсаткич.

Истиқлол йилларида тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очилиши натижасида ушбу йўналишга иxtисослаштирилган фермер хўжаликлари, хусусий корхоналар сони кўпайди. Пировардида уларда етиштирилган парҳез маҳсулотлар ички истеъмол бозорини тўлдириш баробарида, хорижга экспорт қилина бошланди.

Навоий вилоятида ҳам бу борада амалга оширилаётган ишлар кўлами кенг.

— Вилоятимизда балиқчиликни ривожлантириш бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган, — дейди вилоят солиқ бошқармаси бўлими бошлиғи Нодир Жуманазаров. — Бунга кўра, биргина ўтган йилда ҳудудимизда соҳага иxtисослаштирилган 20 та фермер хўжалиғи ташкил этилди. Қолаверса, мавжуд хўжаликлар ҳисобидан қарийб 2200 тонна "луқмаи ҳалол" етиштирилди.

Қизилтепа туманидаги "Аква тўдакўл" қўшма корхонаси умумий майдони 21 минг гектарни ташкил этувчи

тоннадан ортиқ балиқ етиштирилди.

Сир эмас, воҳадаги аксарият хўжаликларга балиқ чавоқлари Тошкент вилояти ҳудудидан келтирилади. Табиийки, бунда масофа узоқлиги боис сарф-харажатлар миқдори ортиб, маълум даражада йўқотишлар ҳам келиб чиқади. Шу боис мутахассислар мазкур

корхонада 6 млн. дона чавоқ етиштирилди. Бу эса воҳадаги кўплаб хўжаликлар эҳтиёжини таъминлайди.

Айдаркўл — вилоятда энг катта сув хавзаларидан бири. Ҳозир бу ерда "луқмаи ҳалол" етиштиришга иxtисослаштирилган ўнлаб хўжаликлар фаолият юритаяпти. Шунингдек, воҳа ҳудудидан оқиб ўтувчи

таъсир кўрсатибгина қолмай, ҳудудда экологик аҳвол ёмонлашуви ҳам сабаб бўлади. Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида ўтган йиллар мобайнида қирғоқбўйи ҳудудларига тут, тол, терак қўчатлари экилди. Бу эса ҳудудда экологик барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Айтиш жоизки, балиқчилик соҳаси ривожига молия муассасаларининг ҳам қўлиги катта бўлмоқда. Улар ажратаётган сармоялар янги хўжалик ва корхоналар ташкил этилишига асос бўлаётди. Масалан, ўтган йили тижорат банклари тақдим этган 585,5 миллион сўм кредит маблағлари кўплаб янги хўжаликлар ташкил этилишига ҳамда мавжудлари фаолияти янада кенгайишига имкон яратди.

Жорий йилда ҳам вилоят тижорат банклари томонидан ушбу йўналишда иш олиб бораётган тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш ва қўшимча 51 лойиҳани рўёбга чиқариш мақсадида 1,1 миллиард сўмлик кредит маблағлари ажратилиши кўзда тутилмоқда. Соҳада олиб борилаётган бу каби ислохотлар аҳоли дастурхонини янада тўкин, хонадонлар файзу баракали бўлишини кафолатлаши, шубҳасиз.

Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Балиқчилик: ИМКОНИЯТ ВА ИСТИҚБОЛ



Тўдакўл ҳавзаси негизда иш юритади. Ҳозир бу ерда 12 турдаги балиқлар парваришланмоқда. Агар 2004 йилгача мазкур ҳавзадан 150-170 тонна микродорида балиқ овланган бўлса, илгор технологиялардан самарали фойдаланилиши натижасида 2011 йилга келиб, бу кўрсаткич 806 тоннага етди. Яқунланган йилда эса янги ҳовузлар барпо этилиши ҳисобига Тўдакўлда минг

муаммонинг ечимини топиш устида изланишлар олиб боришди. Бунинг учун вилоят ҳудудда балиқларни урчишти, яъни инкубация цехи фаолиятини йўлга қўйиш юзасидан амалий саъй-ҳаракатлар бошланиб кетган. Ушбу хайрли ташаббус "Аква тўдакўл" қўшма корхонасига қарашли инкубация цехида синовдан ўтказилди.

Умуман, 2012 йил давомида

Зарафшон дарёси хавзаларида ҳам балиқчиликни ривожлантириш чоралари кўриляпти. Бу борада тадбиркорларнинг ҳиссаси катта бўлмоқда. "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган "Камолот-Фиш-Тоур" масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шулардан бири. Анваржон Бобоев раҳбарлик қилаётган жамият аъзолари балиқларнинг янги навларини кўпайтириш борасида истиқболли лойиҳаларни амалга оширмоқда.

Сув хавзалари — экологик мусофоллик ва табиий мувозанатни таъминловчи муҳим манба. Шу боис уларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, белгиланган режадан ортиқ миқдорда балиқ овланувчи хавзалари табиий мувозанатига салбий

Интилиш

Қўшқўллар политехника ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи битирувчиси Гиёёсбек Ўролбоев ўзининг биринчи маошини ота-онасига келтириб берди.

Жамоанинг ишончли аъзоси

Ўғли воёга етиб, қанотига кирганидан улар роса қувонишди. Гиёёсбек энди меҳелсиз уста, катта жамоанинг ишончли аъзоси.

Гап шундаки, тадбиркор Эгамберган Раҳимов саъй-ҳаракати билан туман марказида меҳелсозликка иxtисослаштирилган "Файз Орзу меҳел" масъулияти чекланган жамияти фаолияти йўлга қўйилиши натижасида Гиёёсбек сингари 15 нафар маҳаллий ёшнинг бандлиги таъминланди. Ҳозир ана шу ёшлар меҳнати эвазига ойига 20 миллион сўмлик меҳмонхона, ошхона, ётоқхона ва идора меҳел жихозлари тайёрланиб, савдога чиқарилмоқда.

Ушбу лойиҳани амалга ошириш учун 200 миллион сўм йўналтирилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Дўстлик ва санъат кечаси

Ўзбекистон давлат консерваториясида Президентимиз Ислам Каримов томонидан 2013 йилнинг мамлакатимизда "Обод турмуш йили" деб эълон қилингани ҳамда Алишер Навоий таваллудига 572 йил тўлиши муносабати билан маданий тадбир бўлиб ўтди.

Анжуман

Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик жамияти, Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси ва Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда қатор вазирлик ва идоралар, жамоат ва халқорашуварлар ҳамда мамлакатимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, талабалар қатнашди.

Анжуманда Ўзбекистон — Ҳиндистон дўстлик жамияти раиси Комил Юсупов мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бошқа жаҳалар қатори маданият ва санъат соҳаларида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг уршуварларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Ўзбек ва ҳинд халқлари санъат арбобларининг икки

мамлакатда ўтказиладиган турли кўргазма ва фестиваллардаги иштироки аънава тусини олган. Самарқанд шаҳрида уюштирилган "Шарқ тароналари" халқорашувар фестивалида Ҳиндистонлик санъаткорлар мунтазам қатнашиб келади. Тошкентда иш олиб бораётган Лаъл Баҳодир Шастри номидаги Ҳиндистон маданият маркази мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идоралари, олий ўқув юртлари, ҳинд тилига иxtисослаштирилган мактаблар билан изчил ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Тадбирда ўзбек ва ҳинд санъат усталари ижросида куй-қўшиқлар янгради, рақслар намойиш этилди. Фазаил мулканин султони Алишер Навоий қаламига мансуб асарлардан намуналар ўқилди.

(Ў.З.)

Реклама ва эълонлар

Сара уруз — юқори ҳосил гарови. Испаниянинг «FITO SEMILLAS» компаниясининг Ўзбекистондаги вакили ўз оморидан маккажўҳори ва чорва озуқа экинлари урузларини таклиф қилади. УРУҒЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН ВА ДАВЛАТ РЕЕСТРИГА КИРИТИЛГАН. Маълумот учун телефонлар: (+99893) 382-56-57, (+99890) 935-88-46. Факс: (+99871) 257-58-61.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚҚ сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади. Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2013 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.

ОРГАНИЗАЦИЯ ПРЕДЛАГАЕТ наплавляемые кровельные и гидроизоляционные материалы: Изол и фольгоизол собственного производства на стеклотканной основе. Выполняем все виды кровельных работ с гарантией. Тел.: (+99893) 597-37-92, (+99890) 958-66-60, 228-20-70, факс 248-69-00. СЕРТИФИЦИРОВАН

Бандлик

Гулнора Ўлмасова — Гулистон шаҳридаги "Раззоқ ҳамкор Нурсултон" оилавий корхонаси раҳбари. Кўп йиллар давомда турли ташкилот ва корхоналарда иқтисодчи бўлиб ишлаган.

Оилавий корхона

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун яратилган имтиёз ва имкониятлардан самарали фойдаланиб, ўтган йили ўз бизнесини йўлга қўйишга қарор қилди. Касб кўникмалари ҳамда соҳага оид билим ва тажрибаси бизнес-режа тузишда жуда асосли.

— "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганда, унда белгиланган имтиёзлар билан танишиб, айнан шу йўналишда иш бошлашга қизиқиб қолдим, — дейди Гулнора. — Мисол учун, оилавий корхона эгаси фаолияти давомида фойдаланган газ, электр энергияси учун оддий истеъмолчи сингари ҳақ тўлайди. Ваҳолонки, мулкчиликнинг бошқа шаклидаги хўжалик субъектларида бундай тўловлар миқдори бирмунча юқори. Биз корхонамизни аҳолига маиший хизмат кўрсатиш йўналишига иxtисослаштирдик. Кир ювиш шохобчаси ташкил этдик. Айни пайтда меҳел жихозларини таъмирлаш, сантехника, саргарошлик хизматларини ҳам йўлга қўйдик. Лойиҳамиз тижорат банки томонидан молиявий қўллаб-қувватланди. Натижада ажратилган 28 миллион сўмлик кредитни 2 қаватдан иборат биномизни реконструкция қилишга йўналтирдик. Ҳозир бу ерда савдо шохобчалари ташкил этиш ҳаракатидамиз.

Оилавий корхона аъзоларининг иши тақсимланган: Гулнора ишбоши, турмуш ўртоғи Абдураззоқ Ўлмасов ўли Эрнест ва акаси Рамил билан меҳелларни таъмирлайди, сингллари Фарида кир

ювиш учун берилган буржумаларни бажаради. Куёви Султон эса сантехника узелларини таъмирлайди, янги сонини ўрнатиб беради. Жияни Дамир электрик, сувочик. Хуллас ҳаммасига иш бор, буржумта бор. Шунга айтиб ўтиш кераки, Гулнора Ўлмасова корхона очмасдан туриб "Фонд Форум" қошидаги "Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш" жамғармасига



кир ювиш шохобчасини ташкил этиш юзасидан бизнес лойиҳасини тақдим этган эди. Шундан сўнг тадбиркор аёлга сертификат берилди. Бундан ташқари, яқинда корхонага вилоят ҳокимлиги томонидан 2 камерали замонавий кир ювиш машинаси ва қуриш ускунаси совға қилинди.

— Ҳозир 4-5 оила аъзоларимизни иш билан банд қилган бўлсак, келажда уларнинг сафи 10-15 кишига кенгайди, — дейди Гулнора. — Бунинг учун қўшимча кир ювиш машиналарини харид қилиш, чорвачилик ва паррандачиликни йўлга қўйиш ниятидамиз. Ваҳолонки, оиламизнинг ҳар бир аъзоси ўз касб-ҳорига эга. Фақат уларнинг бошини қовуштириш, ташаббусларини қўллаб-қувватлаш керак. Яқинда билсам, Гулистон шаҳрининг ўзида 20 дан ортиқ оилавий корхона фаолият юритаётган экан. Демак, ушбу бизнес баракасини одамларимиз чуқурроқ сингллари Фарида кир

— Аҳолига сервис хизмати кўрсатиш йўналишида ҳали кўп ишларни амалга оширишимиз лозим, — дейди вилоят иқтисодий бош бошқармаси бошлиғи Бахтиёр Холбоев. — Жорий йилда мазкур йўналишда умумий қиймати 8,3 миллиард сўмлик 124 та лойиҳани рўёбга чиқариш бўйича амалий саъй-ҳаракатлар бошланди. Эътиборлики, уларнинг асосий қисми қишлоқ жойларга тўғри келмоқда. Ўйлаётганимиз, бундай хайрли ишлар истиқболда оилалар мустаҳкамлиги, аҳоли турмуш фаровонлиги ҳамда юртимизнинг янада обод бўлишини таъминлашга хизмат қилади.

Шомурод ХОЛМУРДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



лоятида фаолият кўрсатаётган болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида 100 мингдан зиёд ўқувчини қамраб олган бокс тўғараклари ишлаб турибди.

— Биз, ёши катталар жуда яхши эслаймиз, илгарилари фақат марказда битта ёки иккита спорт мажмуаси бўларди, — дейди андижонлик Толибжон ота Мирзарахимов. — Шу боис қанчадан-қанча истеъдодлар кашф этилмай қолиб кетган. Истиклол йилларида деярли барча худудларда спорт иншоотлари, майдончалари барпо қилинди. Бундай масканларда тарбияланиб, маҳорати ошган ўғил-қизларимиз дунёга чиқашаяпти, Ўзбекистон фарзандлари ҳеч кимдан кам эмасликларини

Андижон вилояти:

Истеъдодли ва салоҳиятли авлод

соғлом ва баркамол вояга етишида замонавий спорт иншоотлари муҳим ўрин тутмоқда

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Одатда, аксарият давлатларда спорт инфратузилмаси шаҳарларда барпо этилади. Бу гўё шундай қабул қилинган қоидадек. Аммо Ўзбекистоннинг бу борада тутган йўли чинакамига бетакрордир. Энг чекка қишлоқларда ҳам болалар учун спорт иншоотлари қурилганлиги эътиборимни тортди. Мухими, мураббийлар, инвентарлар етарли. Буларга Андижон вилоятида ўз кўзим билан кўриб, гувоҳ бўлдим. Ишончим комил, Ўзбекистон яқин келажакда спортда жуда илгарилаб кетади.

Албатта, бундай самимий фикрлар, эътирофлар ҳар биримизга ўзгача фахр ва ифтихор бағишлаши, шубҳасиз. Шу ўринда айтиш жоизки, вилоят спорти ҳақида гап кетганда, Андижон бокс мактаби алоҳида тилга олинади. Негаки, мустақиллик йилларида Марс Кўчқоров, Александр Размахов ва Валентин Золотарёв каби мураббийлар кўли остида тарбияланган йигитларимиз Муҳаммадқодир Абдуллаев, Ўткирбек Хайдаров, Сергей Михайлов, Темурагул Туляков, Қаҳрамон Орзиқулов, Баҳодиржон Султонов, Ботиржон Маҳмудов қатор нуфузли халқаро мусобақалар, қитъа, жаҳон чемпионатлари ҳамда Олимпиада ўйинларида муносиб иштирок этиб, Ўзбекистонимиз доврғини дунёга ёйишда ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Ёзги Олимпиада ўйинларида олтин медални қўлга киритган Муҳаммадқодир Абдуллаев, бронза медаллари билан тақдирланган Ўткирбек Хайдаров ва Баҳодиржон Султонов изидан бораётган Андижон бокс мактабининг ёш тарбияланувчилари ҳам ана шу анъанани давом эттиришмоқда.

— Ҳозир Андижон олимпия захиралари спорт коллежида юздан ортиқ ёшлар бокс билан мунтазам шуғулланмоқда, — дейди мазкур таълим муассасаси директори вазифасини бажарувчи, халқаро тоифадаги спорт устаси Валижон Йўлдошев. — Уларга тўрт нафар Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ва яна тўрт нафар олий тоифали мураббий сабоқ бермоқда. Ёшларимизнинг ҳар бири истеъдодли. Улар машур боксчиларимиз каби улкан ғалабаларга эришишни, Ўзбекистон номини улуглашга муносиб ҳисса қўишни мақсад қилганлар. Андижон олимпия захиралари спорт коллежида ёш боксчилар учун яратилган шарт-шароитлар ҳавас қиладиган даражада. Бундан руҳланган ёш иқтидорлар машғулотларда ўз

маҳоратларини астойдил оширмоқдалар. Шунга яраша натижалар ҳам салмоқли. Хусусан, қоллеж боксчилари 2011 йилда

исботлашмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, "Ёшлар тарбияси, баркамол авлод деганда, биз Ўзбе-



ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида 4 олтин, 6 кумуш ва 4 бронза медални соҳиби бўлган эдилар. Ўтган йилги мамлакат чемпионати ва кубоги мусобақаларида эса улар 23 олтин, 25 бронза медалига эгалик қилишди. Халқаро майдонларда мазкур коллежнинг ёш чарм кўлқоп усталари томонидан 42 олтин, 24 кумуш ва 54 бронза медални жамғарилди. Умуман, ҳозир Андижон ви-

лоятнинг буюк келажигини назарда тутамиз". Бу беҳиз эмас, албатта. Зеро, бугунги навқирон авлоднинг эришаётган ҳар бир ғалабаси, мустақил ҳаёт сари қўяётган ҳар бир қадами бизнинг буюк келажакка бўлган ишончимизга ишонч, гайратимизга гайрат қўшаверади.

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, Шомурот ШАРАПОВ (суратлар), «Халқ сўзи» мухбирлари.

Археология

Маълумки, сопол буюмлар археологик қазималар чоғида энг кўп учрайдиган топилмалар сирасига қиради. Эътиборлиси, бундай буюмлар қадимий жойлар ўтмишини тиклаш, ўша даврда яшаган одамлар ҳаёт тарзи, турмуш даражасини ўрганишда қўл келади.

Хумбузтепа топилмалари

Хоразм вилоятидаги Хумбузтепа манзилгоҳи ҳам қулоллик тарихини ўзида муҳасам этган ноёб ёдгорликлардан биридир. Ҳазорасп тумани марказидан 17 километр шарқда, Амударёнинг сўл соҳилида жойлашган мазкур қадимий манзил 1973 йили аниқланган. Шундан сўнг бу ерда бир неча бор археологик тадқиқотлар олиб борилган. Уларда қайд этилишича, илгари ёдгорликнинг асосий майдони 4,6 гектарни ташкил этган. Ҳозирги кунга келиб эса, бу худуднинг бир қисмини экинзорлар ва тураржойлар эгаллаб турибди. Шунингдек, муайян қисмини Амударё суви ювиб кетган. Дарё томонидаги жарликда унинг 1,5-2 метр қалинлидаги маданий қатламлари яққол кўриниб туради.

Ёдгорлик худуди, асосан, текисликдан иборат бўлиб, унинг юзаси сопол буюмлар қолдиқлари билан қопланган. Тадқиқотлар пайтида бу ерда кўплаб хумбузлар (хумдон) қолдиқлари, хўжалик хоналари аниқланган. Хусусан, хумбузларнинг катталиги 2,2 метрдан 7,5 метргача бўлиб,

улар атрофда кул, хайкалчалар, идишни пиширишда ишлатилар диган тагликлар, пишган ва хом гишт бўлаклари учрайди. Мазкур топилмаларда, ҳатто, уста қулоллар бармоқ изларини ҳам кўриш мумкин.

Хумбузтепадаги археологик тадқиқотлар маҳаллий қулоллар нафақат идиш ясаш, балки тасвирий санъат ҳамда хайкалтарошлиқда ҳам моҳир бўлганликларини кўрсатади. Хусусан, аёл ва эркак қиёфаси ҳамда турли ҳайвонлар тасвири туширилган кичик хайкалчалар, идишлардаги бўртма тасвирий санъат намуналари нозик дид билан ишланган. Хумбузтепа шуниси билан ноёбки, у Хоразмнинг милоддан аввалги VII-III асрларгача бўлган даврдаги қулоллик тарихини ўзида тўлиқ акс эттиради. Манзилгоҳда сопол идишларнинг деярли барча турларини учраташ мумкин.

Кейинги йилларда Хоразм Маъмур академияси олимлари илм-

фан оламига янада ноёб топилмаларни ҳаёда этди. Хумбузтепада олиб борилган тадқиқотлар натижасида милоддан аввалги V-IV асрларга оид Зардуштийлик ибодатхонаси қолдиқлари аниқланди. Ҳозир унинг 12x12 метр ҳажмли майдонидаги марказий

зал очиб ўрганилмоқда. Ибодатхона марказидаги 4 та устун такурисини пишган гиштдан терилган. Шунингдек, марказий залнинг шарқий қисмидан ерга кўмилган 12 та хум ва хумчалар ҳам топилди. Кўринишидан ушбу жой ибодатхона маросимларини ўтказиш учун зарур бўлган озиқ-овқат ва хом ашёларни сақлашга мўлжалланган. Бинобарин, бу ердан кўзасимон идишлар, қосалар, сувдонлар ва тоғоралар, шунингдек, ноёб хайкалчалар (терракота) ҳамда милоддан аввалги V-IV асрларга оид бронзадан ишланган камон учлари каби топилмалар ҳам олинди.

Эътиборлиси, келгусида Хумбузтепани археологик жиҳатдан тўлиқ тадқиқ этиш орқали юртимизда ўзбек давлатчилигининг шаклланиши, шаҳарсозлик маданиятининг вужудга келиши, архаик ва антик давр қулоллик тарақиёти ҳамда Зардуштийлик динига дахлдор янги манбаларни қўлга киритиш имконияти юзга келади.

Баҳром САЪДУЛЛАЕВ, Хоразм Маъмур академиясининг катта илмий ходими.

Жамғарманинг эзгу ишлари

Мамлакатимизнинг Россия Федерациясидаги элчионасида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан амалга оширилётган йирик ижтимоий лойиҳалар ва тadbирлар тақдироти бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

Тақдимот

Унда "Фонд Форум"нинг ўтган йилдаги фаолияти хусусида ахборот берилди. Жумладан, 2012 йилда жамғарма бир қанча ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 611 маҳаллий ва халқаро тadbирлар уюштирди. Бу лойиҳалар орасида ўтган йили илк бор ташкил этилган "1000 та никоҳ ва 1000 та суннат тўйи" акцияси кенг омма эътирофига сазовор бўлди. Шунингдек, Тошкент шаҳрида Халқаро шахмат федерацияси (ФИДЕ)нинг Гран-при беллашувлари ўтказилди. Тадбирда, шунингдек, жамғарма томонидан жорий йилда амалга оширилган режалаштирилётган лойиҳалар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

Фозила АШУРОВА.

Ҳамюртларимиз совриндор

Франция пойтахти Париж шаҳрида дзюдо бўйича "Катта Дубулга" туркумига кирувчи йилнинг илк нуфузли мусобақаси бўлиб ўтди.

Дзюдо

Халқаро дзюдо федерацияси (IJF) томонидан ташкил этилган мазкур турнирда дунёнинг эллиқдан зиёд мамлакатидан тўрт юз нафарга яқин энг сара полвонлар қатнашди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари биттадан олтин ва бронза медалини қўлга киритдилар.

Ушбу мусобақа 2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида уюштирилган навбатдаги ёзги Олимпиада ўйинлари йўлланмалари учун рейтинг очколари жамғариладиган биринчи йирик турнир эди. Шу боисдан ҳам ҳар бир беллашув кескин курашлар остида кечди. Беллашувлар якунига кўра, ҳамюртимиз Яхё Имомов (81 кг.) испаниялик Хавьер Франциско Мадера, туркиялик

Танжу Сорли, венгриялик Ласло Цокняи, россиялик Мурод Хабачилов ва грузиялик Автандил Тчрикишвилини мағлубиятга учратиб, олтин медал соҳиби бўлди. Яна бир вақимиз Дилшод Чориев (90 кг.) мезбон спортчи Винсент Массимони, испаниялик Алберто Арнал, япониялик Хиротака Катодан устун келди ва ярим финалга йўл олди. Аммо у мазкур босқичда грузиялик Варлам Липартелианига ютқазиб қўйди. Учинчи ўрин учун кечган баҳсда эса полвонимиз Александр Идидир (Франция)ни мағлубиятга учратиб, бронза медалини қўлга киритди.

Фозилдин АБИЛОВ тайёрлади.

Тарғибот

Наманганда февраль ойи "Маънавият ва маърифат ойлиги" деб эълон қилиниши муносабати билан айни кунларда худудда миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти, маънавиятнинг ривожланиши таъминловчи кенг тарғиб қилишга йўналтирилган тарғибот-ташвиқот тadbирлари ташкил этилмоқда.

Маънавият ва маърифат ойлиги

Бунда, айниқса, аҳолининг кенг қатламлари, хусусан, ёшларда Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик фазилатларини камол топтириш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг ўрни ва аҳамиятини очиб беришга мўлжалланган маърифий тadbирларга кенг ўрин берилапти. Ойлик доирасида, шунингдек, маънавият тарғиботига оид "Маънавият — қалбим қуёши", "Санъат — эзгулик элчиси", "Адабий мерос — абадий мерос" сингари мавзуларда ижодий учрашувлар, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш, шунингдек, ёшлар тарбиясининг долзарб масалаларига бағишланган савол-жавоб ва баҳс-мунозаралар уюштириш ҳам режалаштирилган.

К. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ

Бухоро вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказилдиган очиқ аукцион савдосида тақлиф этади.

Аукцион савдосига Суд департаментининг Бухоро вилояти худудий бошқармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 2010 йил 2 августдаги 38/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Бухоро шаҳри, Гулорбоғ кўчасида жойлашган, 2 қаватли, 11 яшаш хонасидан иборат тураржой биноси такоран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 725 507 310 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 1 март кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2013 йил 27 февраль кунини соат 18.00. Кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ОАТ «Туронбанк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000304920609016, МФО: 001111, СТИР: 207122519.

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй, 4-қават. Телефон: (8-365) 223-71-30. www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги ҳамда "Шарқ" НМАК жамоалари фахрий матбачи Исом Шомуродович ШОҒУЛОМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

"O'zbekiston" телерадиоканали жамоаси Маданий-маърифий ва бадий эшиттиришлар муҳаррирининг катта муҳаррири Назокат Тошқуловага волидан муҳтарамаси Саломат ТОШҚУЛОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети жамоаси Ўзбек тили кафедраси доенти Айдин Мўминовага волидан муҳтарамаси ҲАНИФА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 254. 131 227 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000. Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — А. Орипов. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — М. Охунова. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.35 Топширилди — 21.35 1 2 3 4 5